

Болалар хафтаси муносабати билан болалар тарбияси тўғрисида бир оз ёзмак фойдадан холи бўлмаса керак.

Бизда болалар тарбияси кадар ахамият берилмаган бир масала йўқдир. Шунинг учун кундан-кун хар жихатдан қарор чекмақдамиз десак хато қилмагон бўламиз. Болалар тарбияси тўғрисида бузуқликлар шунча кўбки, қай еридан бошламоқ кишини обдиратадир.

Хох болаларнинг моддий тарбиясини олингиз, хох маънавий тарбиясини олингиз — тарбия қонунларига муҳолиф бўлгон ўрунлари кўбдир. Биз тарбияга ахамият бермаганмиз. Холбуки, Пайгамбаримиз бизга: «Ал-илму илмайни; илму абдан ва илму адян», деб илмнинг турларини айтмоқ билан бизга бадан илми, яъни моддий тарбияни маънавий тарбиядан, яъни дин тарбиясидан ажратиб кўрсатмишлар.

Бизим эски тирикчилигимизда бадан илми биринчи даражани тутар эди. Биз аввалдан аскарликка ахамият берган миллатларнинг биринчилариданмиз. Бу тарих қитобларини мутолаа қилгон хар кишига маълумдир.

«Турклар от устида юрар, от узаринда ухлар ва ўлар эди», деган сўзлар тарих қитобларининг хар қайсисида бор. Шу сўзлар бизда бадан тарбиясининг не даражадалигини, не даражага чиққонини кўрсатадир.

Хозирда бўлса, аскарлик нари турсин, бадан тарбиясининг анчадан ва бошланғичларидан маҳрумдирмиз.

Болаларимиз бешиқ деган бир нарсага боғланадирким, бу боланинг хануз қотмагон миясини алжитмақдан бошқа иш қилмайди. Болани ухлатмақ мақсади билан бешиқ тебратишлар қандай мудҳиш, қандай ёмон ҳоллардир!

Шу моддий тарбия баҳсинда овқат масаласида... Болаларимизнинг қиссаларини ҳамиша майиз ва бошқа нарсалар билан тўлдириб юриш ва уларни қўлларига тушган нарсаларни егизиб туриш соғлиқни сактамоқ тўғрисида ёмон эканлиги маълумдир.

Таомда вақт тайин қилмаслик ниҳоят ёмон бир қилиқдир. «Ҳазм» қуч билан бўлар, меъдани қучсизлантирар. Кишининг соғлиғига зарар берадир. Болаларни бир ҳўр қилади.

Бу маънавий тарбияга ҳам ҳалак берадир. Болалар очкўз, эрка бўладирлар. Бу эса орамиздаги ёмон одатлардан эканлиги хар қимга маълумдир. Оёқ-қўллари эгри-букри, оғзи-бурни қийшиқ болалар шундаки тарбиянинг ҳосилидирлар. Болаларимизнинг маънавий тарбиясига қелсак, мундан ҳам ёмон ҳолларга учраймиз. Болаларни қўрқутқанда «ана ола пўстак қелди, ана ола бўжи товуши қелаётибдир, (ўрусга берай олиб қетсун бўлмаса)» деган сўзларимиз болаларга ёмон таъсир қилади.

Мунинг таъсири анча-мунча эмас, жуда қатта ва кўбдир. Ҳатто шу ижтимоий инқилоб вақтида ўз ҳуқуқимизни ололмаслигимизга таъсири тамоман шуникидир. Шу тарбиянинг таъсиридиким, ҳали ҳам оврўпалиқлардан, ўруслардан қўрқамиз.

Ўрусларни риоя қиламиз, муслмонларга қилмагон ҳурматларни ўрусга қиламиз. Бу қичкина бир воқеа ва қичкина бир зарар эмасдир. Бир маҳкамада бир ўрус бўлса, қўрқиб қирмаймиз. Олдимизга бир ўрус эмас, ўрус қаби биров қелса, ихтиёрсиз ўрнимиздан турамыз, қўл қовуштирамыз.

Қўчада болаларимиз бир ўрусни қўрса қочади. Бир неча боламыз бир ўрус ва ё оврўпали боласи қўлида ўйинчоқ бўлиб юради. Бизнинг тарбиямызнинг шу ўрни инқилобнинг берган тенглигидан бизни маҳрум қилгондир. «Сут билан қирган мизож

жон билан бирга чикадир», деган макол мазмунича бу таъсир биздан ўлмагунча кетмайдир. Демак, биз шу таъсир натижасинда ҳазирча тегизлик конунидан зохиранда фойдаланмаймиз. Бу ҳол мунда турсин, бизнинг болаларимизда шундай тарбиядадирлар. Агар биз ҳозирда шу тарбияни ташлаб, янги бош-оёк, соғ шижоатлик ёнур кишилар етиштиришқа киришмасак, биздан сўнг келатургон наслда шу аҳволда бўладир.

Мунинг иложини кўриш биринчи даражада ота-оналарга ва муаллимларга тушадир. Мана ҳозир ясаиб тургон болалар ҳафтаси шундай камчиликларнинг иложини килиш, ёмон-яхши томонларни халқга англариш учун ясадаир.

Бу ҳафтага ҳар бир кишининг кўлидан келганича ёрдам кўрсатиши керакдирким, шу аҳволда бўлгон болаларимиз ўзларининг келажакдаги дунёларини, яъни адолат, мусоват ёхуд дунёсининг хақиқий хомийси ва эгаси бўлсунлар.

«Болалар тарбияси» маколasi 1921 йил 21 февралда «Меҳнаткашлар табриги» газетасида босилган.